

Абу Абдуллоҳ Қуртубийнинг қарори



10:00 / 22.11.2021 1504

Имом Абу Абдуллоҳ Қуртубий ҳаётини Қуръон билан қувватлантириш борасидаги азму қарори ҳақида ҳикоя қилиб бундай дейди:

«Бу Китоб ушбу мартабада бўлгач, яъни Само Амийни (Жаброил алайҳиссалом) Ер Амийни (Муҳаммад алайҳиссалом)га уни олиб тушганини билганимдан сўнг умрим шу билан (Қуръони Каримни ўқиш, ўрганишда) ўтиб, фано бўлиб кетсин дея азм қилдим!

Изоҳ: **«Албатта, у (Қуръон) Роббул Олабийнинг туширганидир. Уни Руҳул Амийн олиб тушди. Сенинг қалбингга, огоҳлантиргувчилардан бўлишинг учун».** (Шуаро сураси, 192-194 оятлар).

Манба: arabic.uz